ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

# ҚАРОРИ

# ПОСТАНОВЛЕНИЕ

ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 9 ” сентябрь № ПҚ–4444 “ ____ ” _____ 20 г.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ–5815-сон Фармонига мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг ташкилий тузилмаси** 1-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги** бошқарув ходимларининг чекланган сони 57 нафардан иборат **марказий аппаратининг тузилмаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Агентлик директори унинг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган 3 нафар ўринбосарга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга;

Агентлик директори меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт таъминоти шартларига кўра вазирга, унинг биринчи ўринбосари – вазирнинг биринчи ўринбосарига, ўринбосарлари – тегишли равишда вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
KEL. № 1-2918 “ 10 ” 09 2019 yil

Агентликнинг штатлари сони Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳудудий органларидаги 57 та ишлаб чиқариш ходимлари штат бирлигини оптималлаштириш ҳисобидан жамланади.

3. Агентлик директорига:

зарур ҳолларда, Агентлик тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий штатлари сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Агентлик ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Агентлик ходимларининг қўшимча штат бирликларини киритиш;

истисно тариқасида, идоравий бўйсунувдаги ташкилотларни ташкил этиш ва уларни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Агентлик ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, хорижий экспертларни шартнома асосида ишга жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг, шунингдек, улар ётоқхоналарининг штат жадвалини тасдиқлаш ҳуқуқи берилсин.

Агентлик директори бир ой муддатда Агентликка юклатилган вазифалар ижросини самарали таъминлаш учун уни зарур билим ва амалий кўникмаларга эга юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида 2019 йилда Агентлик таъминоти учун маблағларни ажратсин, 2020 йилдан бошлаб эса ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин;

4 та хизмат автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит белгиласин, шунингдек, Агентликка уларни харид қилиш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин;

Агентликка асослантирилган ҳисоб-китобларга кўра аниқ харажатлардан келиб чиққан ҳолда моддий-техник базани шакллантириш учун зарур ускуналарни харид қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва маъмурий биноларни таъмирлашга 2019 йилда **3 миллиард сўм**, 2020 йилда эса **7 миллиард сўмгача** маблағлар ажратилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентликни зарур алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Агентликнинг жойлаштирилишини таъминласин;

Агентлик тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, энг янги ўқув-лаборатория, илмий, ишлаб чиқариш ва спорт ускуналари, анжомлар, инвентарь ва бошқа зарур воситалар билан жиҳозлаш дастурини тасдиқласин;

2020–2025 йилларда ижод мактаблари фаолиятини такомиллаштириш концепциясини кўриб чиқиш учун киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Агентлик билан биргаликда ҳар йили:

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчиларининг турли фанлардан халқаро олимпиадаларда иштирок этишини;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчиларининг хорижий маданий-маърифий сафарларини;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг педагог ходимларининг илғор хорижий таълим ва илмий муассасаларда малакасини ошириш ва стажировкадан ўтишини ташкиллаштириш бўйича таклифлар киритсин.

8. Халқ таълими вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 9 сентябрдаги ПҚ–4444-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг ташкилий тузилмаси**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 9 сентябрдаги ПҚ–4444-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси**




Бошқарув ходимларининг чекланган сони – 57 нафар.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

# ҚАРОРИ

# ПОСТАНОВЛЕНИЕ

ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

20 йил “ ____ ” _____ №ПП–4444 “ 9 ” сентября 2019 г.

## О мерах по организации деятельности Агентства по развитию Президентских, творческих и специализированных школ при Кабинете Министров Республики Узбекистан

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от « 9 » сентября 2019 года № УП– 5815 «Об образовании Агентства по развитию Президентских, творческих и специализированных школ при Кабинете Министров Республики Узбекистан»:

1. Утвердить:

**организационную структуру Агентства по развитию Президентских, творческих и специализированных школ при Кабинете Министров Республики Узбекистан** согласно приложению № 1;

**структуру центрального аппарата Агентства по развитию Президентских, творческих и специализированных школ при Кабинете Министров Республики Узбекистан** с предельной численностью управленческого персонала в количестве 57 единиц согласно приложению № 2.

2. Установить, что:

Агентство по развитию Президентских, творческих и специализированных школ при Кабинете Министров Республики Узбекистан (далее – Агентство) возглавляется директором, назначаемым на должность и освобождаемым от должности Президентом Республики Узбекистан по представлению Премьер-министра Республики Узбекистан;

директор Агентства имеет трех заместителей, в том числе одного первого, назначаемых на должность и освобождаемых от должности Кабинетом Министров Республики Узбекистан по представлению директора Агентства;

директор Агентства по условиям оплаты труда, медицинского и транспортного обеспечения приравнивается к министру, его первый заместитель – к первому заместителю министра и заместители – к заместителям министра соответственно;

штатная численность Агентства комплектуется за счет оптимизации 57 штатных единиц производственного персонала территориальных органов Министерства народного образования Республики Узбекистан.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
KEL. № 1-2918 “ 10 ” 09 2019 yil

3. Предоставить директору Агентства право:

вносить, при необходимости, изменения в структуру Агентства в пределах установленной общей штатной численности;

вводить дополнительные штатные единицы работников Агентства за счет средств Фонда развития Президентских, творческих и специализированных школ при Агентстве;

принимать, в порядке исключения, решения об образовании и упразднении подведомственных организаций;

привлекать на договорной основе на работу в Агентство высококвалифицированных специалистов государственных органов и других организаций, научных и образовательных учреждений, международных организаций, а также иностранных экспертов за счет средств Фонда развития Президентских, творческих и специализированных школ при Агентстве;

утверждать штатное расписание Президентских, творческих и специализированных школ, а также их общежитий по согласованию с Министерством финансов Республики Узбекистан.

Директору Агентства в месячный срок обеспечить укомплектование Агентства высококвалифицированными специалистами, обладающими необходимыми знаниями и практическими навыками для эффективного выполнения возложенных на него задач.

4. Министерству финансов Республики Узбекистан:

выделить в 2019 году средства в пределах параметров Государственного бюджета Республики Узбекистан на содержание Агентства, а с 2020 года ежегодно предусматривать необходимые бюджетные средства;

установить лимит на содержание служебных легковых автомобилей в количестве 4 единиц, а также обеспечить выделение Агентству необходимых денежных средств для их приобретения;

обеспечить выделение Агентству по обоснованным расчетам в 2019 году средств **в размере 3 миллиардов сумов**, а в 2020 году – **до 7 миллиардов сумов** на покупку необходимого оборудования и внедрение информационно-коммуникационных технологий для формирования материально-технической базы и ремонта административных зданий исходя из фактических расходов.

5. Министерству по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан обеспечить Агентство необходимыми средствами связи, включая правительственную.

6. Кабинету Министров Республики Узбекистан в месячный срок:

обеспечить размещение Агентства;

утвердить положение об Агентстве;

утвердить Программу оснащения Президентских, творческих и специализированных школ современными информационно-коммуникационными технологиями, новейшим учебно-лабораторным, научным, производственным и спортивным оборудованием, инструментами, инвентарем и другими необходимыми средствами;

внести на рассмотрение Концепцию совершенствования деятельности творческих школ в 2020–2025 годах.

7. Министерству иностранных дел Республики Узбекистан совместно с Агентством ежегодно вносить предложения по организации:

участия учащихся Президентских, творческих и специализированных школ в международных олимпиадах по различным учебным дисциплинам;

культурно-образовательных поездок учащихся Президентских, творческих и специализированных школ за рубеж;

повышения квалификации и прохождения стажировок педагогических работников Президентских, творческих и специализированных школ в ведущих зарубежных учебных и научных учреждениях.

8. Министерству народного образования в двухмесячный срок внести в Кабинет Министров Республики Узбекистан предложения об изменениях и дополнениях в законодательство, вытекающих из настоящего постановления.

9. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н., советника Президента Республики Узбекистан Абдувахитова А.А. и заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Абдухакимова А.А.

**Президент**
**Республики Узбекистан** **Ш.Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

город Ташкент

Приложение № 1
к постановлению Президента Республики Узбекистан
от 9 сентября 2019 года № ПП–4444

**Организационная структура**
**Агентства по развитию Президентских, творческих**
**и специализированных школ при Кабинете Министров Республики Узбекистан**



Приложение № 2
к постановлению Президента Республики Узбекистан
от 9 сентября 2019 года № ПП–4444

# Структура
## центрального аппарата Агентства по развитию Президентских, творческих и специализированных школ при Кабинете Министров Республики Узбекистан




Предельная численность управленческого персонала – 57 ед.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1